

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 19 (1198)

2019 йил 9 май

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга Утиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ТАДБИР

“ИПОТЕКА-БАНК”ДА ПЛАСТИК КАРТАЛАР БЕПУЛМИ?

Айни кунда банклар томонидан аҳолига кўплаб янги хизматлар, бонуслар тақдим этилмоқдаки, уларнинг барчаси юртимиз равнақи-ю халқимиз манфаати-га хизмат қилмоқда. Бу борада “Ипотека-банк” АТИБнинг ҳам амалиётга жорий этаётган янгиликлари эътирофга лойиқдир.

Айни кунда банк томонидан иш ҳақи лойиҳаси доирасида мижозларга Uzcard ва Humo пластик карталарини олиш мутлоқда бепул. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ипотека-банк” АТИБ томонидан касса хизматларини универсаллаштириш ва мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида коммунал тўловлар, валюта айирбошлаш, халқаро пул ўтказмалари орқали пул маблағларини жўнатиш ёки олиш, омонатларни расмийлаштириш, пластик карталар орқали операцияларни амалга ошириш, мобил иловалар каби банк хизматлари сифатини яхшилаш ҳамда мижозларга қулайликлар яратиш мақсадида бағишланган анжуманда ана шу янгиликлар ва хизматлар ҳақида сўз юритилди.

Анжуманда банк мутасадди хо-



димлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви раиси ўринбосари Маҳмуд Абдурахмонов кириш сўзи билан очиб, банк томонидан замонавий хизмат кўрсатиш механизми яратилиб, амалиётга муваффақиятли жорий этиб келинаётгани ҳақида тўхталар экан, бу ўз навбатида, халқимизнинг миллий банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиб,

мамлакатимиз молия тизими ва иқтисодиётининг тараққий этишида муҳим омил бўлмоқда, дея таъкидлади.

Маълумотларга кўра, ҳозирда банкнинг 39 та филиали, 150 та мини-банки, 600 дан ортиқ жамғарма ва коммунал кассалари, 71 валюта айирбошлаш шохобчалари, 104 халқаро пул ўтказмалари шохобчалари аҳолига намунали банк хизматларини тақдим этмоқда.

(Давоми 6-саҳифада)

ЎТГАНЛАРНИ ЁД ЭТИБ, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ...



Сермазун умр кечириб, кўпчиликка ибрат бўлиб яшаган азиз инсонлар хотирасини ёд этиш, кексаларни қадрлаб, ҳурмат-эътиром кўрсатиш халқимизга хос бўлган бебаҳо фазилатлардан. Шунинг учун ҳам юртимизда “Хотира ва қадрлаш куни” деб ном олган байрам ўзига хос тантанавор руҳда нишонланади.

Бу йил ҳам байрам мамлакатимиздаги барча меҳнат жамоалари ва ўқув даргоҳларида ўзига хос тайёргарликлар билан нишонланмоқда. Hi-Tech Bankда нишонланган байрам тантанаси бунга ёрқин мисолдир.

7 май куни мазкур банкда янги иш куни байрамона тусда бошланди. Банкка кираверишда банк ёшларидан ташкил топган ҳарбий оркестр ижросида янграган жозибали куйлар барчага завқ улашди.

(Давоми 7-саҳифада)

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

Тошкентда 3-4 май кунлари илк бора “МДХ – Ислом банкчилиги ва молияси бўйича форум-2019” деб номланган анжуман бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчиси Мисрдаги ITS компанияси бош директори ва таъсисчиси Муҳаммад Магди Ориф компаниянинг кўплаб мамлакатларда аънаввий ва замонавий банк тизими фаолиятини исломий банк талаблари асосида ўзгартиришга яқиндан кўмак беришини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, исломий молиялаштириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги йўналиш бўлиб, унга бизнес тарафидан ҳам, аҳоли томонидан ҳам эътиҳорлар тўлиқ инobatга олинади.

“Агробанк” АТБ томонидан “Меҳр улашинг” номли донорлик хайрия акцияси ўтказилди.

Акция доирасида “Агробанк”нинг 70 дан зиёд ходими қатнашди. Акция қатнашчилари республика гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтида бўлиб, беморлар учун яратилган шартшароитлар, донорлар билан ишлаш тартиби каби муассаса иш фаолияти билан боғлиқ жараёнлар билан яқиндан танишишди. Банк томонидан бемор болаларга 200 дан ортиқ турли жанрлардаги китоб ҳамда турли-туман ўйинчоқлар улашилди.

Сурхондарё вилоятида Халқ банкининг вилоят филиали янгидан қад ростлади. Банк биноси қурилишига 8,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. Шу билан бирга замонавий бино янги мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Банк биносига кираверишда мижозларга маслаҳат беришчи “Ресепшн” хизмати ташкил этилди. Шунингдек, банкда юридик ва жисмоний шахслар учун алоҳида-алоҳида хизмат кўрсатиш жойлари ҳам бор. Фойдаланишга топширилаётган мазкур филиалнинг замонавий қиёфа касб этиши аҳолига ва мижозларга янада сифатли банк хизматлари кўрсатиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

Рўйхат рақами: УЭР МБнинг 2017 йил 21 октябрдаги 22-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темурашқўчаси, 101.фойда ва зарар тўғрисидаги йиғма ҳисобот
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (млн. сўмда)молиявий ҳолат тўғрисидаги
йиғма ҳисобот
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (млн. сўмда)

| | 2018 й. | 2017 й. |
|--|-------------------|-------------------|
| Активлар | | |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 6 614 154 | 11 080 508 |
| Кредит муассасаларидаги маблағлар | 1 892 000 | 2 006 794 |
| Мижозларга берилган кредитлар | 46 025 482 | 34 521 563 |
| Сотиш учун мўлжалланган активлар | 20 755 | 195 858 |
| Инвестицион қимматли қозғалар | 47 762 | 60 437 |
| Қарам корхоналарга қилинган инвестициялар | 189 853 | 55 936 |
| Асосий воситалар | 912 565 | 233 913 |
| Жорий солиқ активлари | 10 993 | 8 616 |
| Фойда солиғи бўйича кечиктирилган активлар | 244 351 | 198 715 |
| Бошқа активлар | 241 584 | 148 032 |
| Жами активлар | 56 199 499 | 48 510 372 |
| Мажбуриятлар | | |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ҳукумати олдидаги қарздорлик | 497 688 | 571 014 |
| Кредит муассасаларининг маблағлари | 950 879 | 1 909 557 |
| Мижозларнинг маблағлари | 11 871 894 | 12 110 126 |
| Чиқарилган қарз қимматли қозғалар | 145 915 | 176 506 |
| Сотиш учун мавжуд активлар билан бевосита боғлиқ мажбуриятлар | - | 18 024 |
| Бошқа қарз маблағлари | 37 439 050 | 29 382 360 |
| Бошқа мажбуриятлар | 377 818 | 71 022 |
| Жами мажбуриятлар | 51 283 244 | 44 238 609 |
| Капитал | | |
| Устав капитали | 4 320 970 | 1 267 530 |
| Акциядорнинг киритган маблағлари | 126 096 | - |
| Тақсимланмаган фойда | 335 635 | 2 918 224 |
| Бошқа захиралар | 43 296 | 60 748 |
| Банк акциядорларига тегишли жами капитал | 4 825 997 | 4 246 502 |
| Иштирокчининг назорат қилмайдиган улуши | 90 258 | 25 261 |
| Жами капитал | 4 916 255 | 4 271 763 |
| Жами мажбуриятлар ва капитал | 56 199 499 | 48 510 372 |

| Давом этаётган фаолият | 2018 й. | 2017 й. |
|---|------------------|------------------|
| Фоишли даромадлар | 2 620 568 | 1 389 969 |
| Фоишли харажатлар | (1 358 970) | (712 702) |
| Соф фоишли даромад | 1 261 598 | 677 267 |
| Кредит зарарлари бўйича тикланишлари / (харажатлар) | 600 164 | (1 219 770) |
| Фоишли даромад келтирадиган активларнинг дастлабки тан олиншидан кўрилган зарарлар | (129 677) | (121 579) |
| Кредит зарарлари бўйича харажатлардан кейинги соф фоишли даромадлар / (харажатлар) | 1 732 085 | (664 082) |
| Кўрсатилган хизматлар бўйича даромадлар ва комиссиялар | 391 131 | 338 299 |
| Кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлар ва комиссиялар | (74 928) | (59 062) |
| Хорижий валюта операциялари бўйича соф (харажат) / даромад | (421 360) | 2 935 243 |
| Қарам корхоналарнинг фойдасидаги улуши | 8 323 | 8 540 |
| Олинган дивидендлар | 12 821 | 4 638 |
| Молиявий инструментлар бўйича захира | (89 251) | (27 832) |
| Бошқа операцион даромадлар | 76 086 | 38 063 |
| Бошқа операцион харажатлар | (106 503) | (25 301) |
| Бошқа даромадлар | 43 791 | 102 922 |
| Фоишсиз даромадлар | (159 890) | 3 315 510 |
| Операцион харажатлар | (723 773) | (562 697) |
| Фоишсиз харажатлар | (723 773) | (562 697) |
| Даромад солиғи бўйича харажатлардан олдинги фойда | 848 422 | 2 088 731 |
| Даромад солиғи бўйича (харажатлар) / имтиёзлар | (59 473) | 61 876 |
| Давом этаётган фаолият йилидаги фойда | 788 949 | 2 150 607 |
| Тугатилган фаолият | | |
| Тугатилган фаолият даври учун кўрилган зарар | - | (14 783) |
| Йилнинг соф фойдаси | 788 949 | 2 135 824 |
| Куйидагиларга тегишли: | | |
| - Банк акциядорларига | 802 947 | 2 130 957 |
| - Иштирокчининг назорат қилмайдиган улушига | (13 998) | 4 867 |
| | 788 949 | 2 135 824 |

БОШҚА УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (млн. сўмда)

| | 2018 й. | 2017 й. |
|--|----------------|------------------|
| Йилнинг соф фойдаси | 788 949 | 2 135 824 |
| Бошқа умумий даромад | | |
| <i>Кейинги даврда фойда ёки зарар таркибидан зарурий қайта таънифлангандан ташқари умумий даромад:</i> | | |
| Хорижий бўлинмаларнинг ҳисобот валютасига қайта ҳисоблашдан кўрилган курслар фарқи | (20 532) | 88 542 |
| Бошқа умумий йиллик даромад, солиқларни ҳисобга олмаганда | (20 532) | 88 542 |
| Жами умумий йиллик даромад | 768 417 | 2 224 366 |
| Куйидагиларга тегишли: | | |
| - Банк акциядорларига | 785 495 | 2 206 501 |
| - Иштирокчининг назорат қилмайдиган улушига | (17 078) | 17 865 |
| | 768 417 | 2 224 366 |

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (млн. сўмда)

| | Банк акциядорларига тегишли | | | | | | |
|--|-----------------------------|----------------------------------|----------------------|-----------------|------------------|---|------------------|
| | Устав капитали | Акциядорнинг киритган маблағлари | Тақсимланмаган фойда | Бошқа захиралар | Жами | Иштирокчининг назорат қилмайдиган улуши | Жами капитал |
| 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра | 698 867 | - | 787 266 | (11 797) | 1 474 336 | 806 | 1 475 142 |
| Ҳукуматнинг акциядор сифатида киритган маблағлари | 568 663 | - | - | - | 568 663 | - | 568 663 |
| Устав капиталнинг кўпайиши | - | - | - | - | - | 7 581 | 7 581 |
| Иштирокчининг назорат қилмайдиган улушига тўланган дивидендлар | - | - | - | - | - | (991) | (991) |
| Махсус солиқ имтиёзлари | - | - | - | (2 998) | (2 998) | - | (2 998) |
| Жами йиллик умумий даромад | - | - | 2 130 958 | 75 543 | 2 206 501 | 17 865 | 2 224 366 |
| 2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра | 1 267 530 | - | 2 918 224 | 60 748 | 4 246 502 | 25 261 | 4 271 763 |
| 9 МҲХС қабул қилинишининг таъсири | - | - | (332 096) | - | (332 096) | - | (332 096) |
| 9 МҲХС бўйича қайта ҳисобланган бошланғич баланс | 1 267 530 | - | 2 586 128 | 60 748 | 3 914 406 | 25 261 | 3 939 667 |
| Тақсимланмаган фойданинг капиталлашуви | 3 053 440 | - | (3 053 440) | - | - | - | - |
| Устав капиталнинг кўпайиши | - | - | - | - | - | 82 075 | 82 075 |
| Ҳукуматдан қарз сифатида олинган маблағларнинг дастлабки тан олиншидан фойда | - | 126 096 | - | - | 126 096 | - | 126 096 |
| Жами йиллик умумий даромад | - | - | 802 947 | (17 452) | 785 495 | (17 078) | 768 417 |
| 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра | 4 320 970 | 126 096 | 335 635 | 43 296 | 4 825 997 | 90 258 | 4 916 255 |

**Joint Stock Commercial
Mortgage Bank «Ipoteka bank»**

**Consolidated Statement of Cash Flows for the year
ended 31 December 2018**

| In thousands of Uzbekistan Soums | 2018 | 2017 |
|---|------------------------|------------------------|
| Cash flows from operating activities | | |
| Interest received | 1 065 978 534 | 531 837 226 |
| Interest paid | (515 064 419) | (294 387 156) |
| Fees and commissions received | 217 505 054 | 216 525 768 |
| Fees and commissions paid | (38 346 485) | (34 506 036) |
| Income received from trading in foreign currencies | 13 511 131 | 44 404 027 |
| Other operating income received | 14 104 665 | 10 905 834 |
| Staff costs paid | (303 984 491) | (234 764 800) |
| Administrative and other operating expenses paid | (175 236 581) | (109 091 924) |
| Income tax paid | (396 736) | (2 941) |
| Cash flows from operating activities before changes in operating assets and liabilities | 278 070 672 | 130 919 998 |
| Net decrease / (increase) in due from other banks | 742 587 978 | (164 732 737) |
| Net increase in loans and advances to customers | (6 889 733 731) | (2 981 691 047) |
| Net decrease in other financial assets | 14 208 476 | - |
| Net increase in other non-financial assets | (12 579 447) | (19 856 249) |
| Net increase / (decrease) in due to other banks | 55 062 668 | (143 024 702) |
| Net increase in customer accounts | 1 421 703 980 | 677 879 466 |
| Net (decrease) / increase in other financial liabilities | (103 403) | 7 900 717 |
| Net increase in other non-financial liabilities | 5 878 458 | 8 962 770 |
| Net cash used in operating activities | (4 384 904 349) | (2 483 641 784) |
| Cash flows from investing activities | | |
| Purchase of premises, equipment and intangible assets | (87 105 988) | (61 013 384) |
| Proceeds from disposal of premises, equipment and intangible assets | 1 628 009 | 963 820 |
| Proceeds from property for resale | - | 13 362 054 |
| Purchase of financial assets at fair value through other comprehensive income/ investment securities available for sale | (900 460) | (3 498 704) |
| Purchase of associates (incorporation) | - | (2 300 000) |
| Net increase in debt securities of the Government of the Republic of Uzbekistan | (155 569 338) | - |
| Dividend income received | 960 678 | 481 868 |
| Net cash used in investing activities | (240 987 099) | (52 004 346) |
| Cash flows from financing activities | | |
| Issue of ordinary shares | - | 542 069 447 |
| Proceeds from borrowings from government, state and international financial institutions | 12 988 599 686 | 2 844 477 544 |
| Repayment of borrowings from government, state and international financial institutions | (8 487 070 180) | (1 049 705 753) |
| Proceeds from issue of debt securities | (8 500 268) | - |
| Repayment of debt securities | 5 750 267 | (15 600 100) |
| Dividends paid | (56 861 098) | (23 464 279) |
| Proceeds from share increase in subsidiaries non-controlling interest | 1 725 073 | 8 672 406 |
| Proceeds from stock subscription | 126 358 682 | 109 476 554 |
| Net cash from financing activities | 4 570 002 162 | 2 415 925 819 |
| Effect of exchange rate changes on cash and cash equivalents | (2 840 129) | 962 379 786 |
| Net (decrease)/ increase in cash and cash equivalents | (58 729 415) | 842 659 475 |
| Cash and cash equivalents at the beginning of the year | 1 374 091 094 | 531 431 619 |
| Cash and cash equivalents at the end of the year | 1 315 361 679 | 1 374 091 094 |

«Deloitte & Touche» Audit Organisation LLC License authorizing audit of companies registered by the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan under #00776 dated 5 April 2019

Хизматлар лицензияланган.

СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда 2693-5-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади: 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 январь,
2/3-сон

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 26 январдаги 2/3-сонли қарорига
ИЛОВА*

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 24-бандда:

иккинчи хатбоши «, мазкур Низомнинг 242-бандида кўрсатилган активлар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин; куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 1,5 баробаридан 2 баробарига-ча бўлган йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.».

2. 241-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 2 баробаридан 2,5 баробарига-ча бўлган йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.».

3. 242-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«242. Таваккалчилик даражаси бўйича VII гуруҳга куйидагилар киради: енгил автомобиль сотиб олиш учун юридик шахсларга ажратилган кредитнинг гаров таъминотида енгил автомобиль қабул қилинган кредитлар, шунингдек шу мақсадларга ажратилган суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган кредитлар;

автомобиль сотиб олиш учун аҳолига ажратилган кредитнинг қолдиғи сотиб олинган автомобиль қийматининг 75 фоизидан ортигини ташкил этган кредитлар, шунингдек шу мақсадларга ажратилган суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган кредитлар;

аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 2,5 баробари ва ундан юқори йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари, шунингдек суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**

Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда 2093-10-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сон қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандидан «ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 февраль,
4/10-сон

ХАЛҚ БАНКИ 45 МИНГ ЯНГИ ИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим шарт» мавзусидаги матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Халқ банки Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Тоҳиржон Раҳмонов бошчилигидаги мутасаддилар журналистларга банк томонидан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.




– Халқ банкининг республикада бўйлаб 197 та филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга

оширилмоқда, – дейди АТ Халқ банки Кредит операциялари департаменти директори Алишер Ҳасанов. – Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 7 июндаги «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш

тўғрисида» қарорига асосан банк томонидан жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектларига 2018 йил давомида 297,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиши натижасида 14 868 янги иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса бу йўналишда жами 218,7 млрд. сўм миқдоридаги имтиёзли кредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобидан 10 671 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу ишларга қўшимча тарзда шуни айтиш мумкинки, жорий йилда кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун банк томонидан 4 млрд. 900 млн. сўм ажратиш режалаштирилган бўлиб, бунинг ҳисобига 45 мингга яқин қўшимча янги иш ўринлари яратилиши мўлжалланмоқда.

Тадбирда таъкидланишича, Халқ банки томонидан тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Жаҳон банкининг халқаро тараққиёт уюшма-



си, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси каби халқаро молия институтлари маблағларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Жумладан, банк томонидан 10 та хорижий молия институтидан 156,6 млн. АҚШ долларлик кредит линиялари жалб этилган бўлиб, ҳозиргача 100,0 млн. долларлик қисми тўлиқ ўзлаштирилди. Жорий йил давомида эса мазкур хорижий кредит линиялари ҳисобидан тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш учун 114,7 млн. АҚШ доллари ажратиш белгиланган.

Шунингдек, анжуман давомида экспорт масалалари хусусида ҳам сўз борди. Қайд этилишича, банк томонидан иссиқхоналар ташкил этиш бўйича берилган кредитларнинг барчаси ўзини оқлаган. Яъни мазкур йўналишда иш бошлаган тадбиркорларнинг ҳаммаси ўтган йил давомида етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўлиқ экспорт қилишга улгурган.

Матбуот анжумани давомида журналистларнинг Халқ банки фаолияти билан боғлиқ барча саволларига мутасаддилар томонидан жавоб қайтарилди.

finance.uz

Ўзбекистонда илк бор “Инвестор куни”

(Бошланиши 1-саҳифада)



Анжуманда банкнинг 2019 йил I чораги якунлари бўйича молиявий натижаларига бағишланган тақдимот ўтказилди. Шунингдек, банк раҳбарияти ҳамда Freedom Finance компанияси экспертлари томонидан банкнинг жорий фаолияти хусусида чиқишлар қилинди.

Freedom Finance инвестиция компанияси ижрочи директори Евгений Можейко «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ билан ҳамкорлиги, келгусида амалга оширилиши кузатилаётган ишлар борасида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бошқаруви раиси Азиз Войтов банк фаолиятига тўхталиб, инвесторлар билан ҳамкорлик халқаро талабларга мос равишда ташкил этилаётгани, банк хизматларининг мукамаллашаётгани ҳақида сўз юритди.

Таъкидланишича, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан банк капиталлашув даражасини юксалтириш, халқаро кредит-молия муассасалари билан ҳамкорликни кенгайтирган ҳолда

инвестицион хизматлар жозибадорлигини ошириш, банк-мижоз амалиётларини автоматлаштириш, корпоратив миқдорларга мўлжалланган инновацион хизматларни ривожлантириш кучайтирилмоқда.

– Агар банкнинг молиявий натижаларига эътибор қаратсак, жорий йил I чораги якунлари бўйича устав капитали йил бошига нисбатан 1,2 баробарга ортиб, 2,1 трлн. сўм миқдорида шакллантирилди, – дейди «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Қимматли қоғозлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Жасурбек Агзамов. – Халқаро талабларга мувофиқ, банкнинг асосий кўрсаткичлари, яъни активлари рентабеллиги (ROA) – 1,3 фоиз (йил бошига нисбатан ўсиш 0,4 фоиз), капитали рентабеллиги (ROE) эса 13,0 фоиз (йил бошига нисбатан ўсиш 2,8 фоиз)ни ташкил этди.

Банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти дунёнинг 17 та молия институти, энг ривожланган 22 мамлакатнинг экспорт-кредит агентликларини қамраб олган. Шунингдек, банкда ISO 9001:2015 халқаро стандартнинг талабаларига жавоб берадиган сифат менежменти тизими амал қилмоқда ва 2018 йилда Германиянинг нуфуз-



ли TUV компанияси томонидан мувофиқлик сертификати тақдим этилган. Шунингдек, банкка халқаро Fitch Ratings (BB-) агентлиги томонидан берилган рейтинг баҳолари жорий йилнинг январь ойида бир поғона оширилиб, истиқболи «Барқарор» дея тасдиқланган.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА



“АГРОБАНК” ЭКСПОРТБОП ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Қайд этиш жоизки, бу жараёнда банк томонидан тадбиркорларнинг лойиҳаларини молиялашда хорижий кредит линияларидан кенг фойдаланилаётгани банк учун ҳам тадбиркорлар учун ҳам қулайлик туғдирмоқда. Жумладан, 2018 йилда халқаро молия институтларидан 30 млн. АҚШ доллари миқдорига, жорий йилнинг 1-чорагида эса 191 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит маблағлари жалб этилиб, истиқболли лойиҳаларга йўналтирилди.

Қолаверса, хорижий кредитларни кенг жалб қилиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Биргина жорий йилнинг январь ойида Президентимизнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи доирасида ўтказилган бизнес-форумда «Landesbank Baden-Wuerttemberg» ҳамда «Commerz Bank AG» банклари билан 171 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит линияси маблағларини жалб қилиш бўйича келишув шартномалари имзолангани фикримиз тасдиғидир.

Бундан ташқари, Хитой Эксімбанкнинг 20 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит линияси маблағлари жалб қилиниб, мазкур сармоялар ҳисобидан жорий йилнинг 1-чорагида 20 га яқин лойиҳага 41,7 млн.



АҚШ долларилек кредит маблағлари ажратилди. Бунинг ҳисобига ҳудудларда янги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Бунинг исботи сифатида пресс-тур давомида журналистлар банкнинг молиявий кўмагида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиш учун Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган «Maxim gold tex» АЖда бўлишди.

Мазкур корхона пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, уни ташкил этишда банк томонидан 132,7 млрд. сўм миқдорига кредит маблағлари ажратилди. Натижада корхонада 250 янги иш ўрни яратилиб, кунига 15 тонна ип калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда корхонада тайёрланаётган

маҳсулотлар нафақат ички бозорга, балки экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Жумладан, ўтган йилда жамият томонидан 51 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, Туркия ва Россия давлатларига экспорт қилинди. Корхона келгусида бу ютуқлар билан чегараланиб қолиш ниятида эмас.

– Фаолиятимизни янада кенгайтириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, – дейди «MAXIM GOLD TEX» АЖ раҳбари Ҳасан Абдуллаев. – Лойиҳамизнинг биринчи қисмида йиллик қуввати 2 100 тонна ип калава ишлаб чиқариш ҳақида келишув бўлиб, 150 та янги иш ўрни яратилади. Айни дамда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун «Агробанк» томонидан молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан

бирга тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқаришни мўлжаллаб турибмиз. Бу лойиҳамиз ҳам банк томонидан ижобий баҳоланиб, кейинги режалар хусусида келишиб олдик.

Худди шундай самарали фаолият юритаётган корхоналардан бири Паркент туманидаги «Sof gigienik» МЧЖдир. Банкнинг молиявий кўмаги асосида ўз фаолиятини кенгайтирган корхона йилига 2 млн. донадан зиёд болалар тагликларини ишлаб чиқармоқда. Ўтган йилда бу ерда 44,3 млрд. сўмлик сифатли маҳсулот

корхоналари олдидаги муҳим вазифалардан бири ички бозорни сифатли ва арзон қурилиш маҳсулотлари билан таъминлашдир.

«Alubond Composite Material» МЧЖ корхонаси ҳам шундан келиб чиққан ҳолда бир неча турдаги қурилишбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида банкнинг кредит маблағлари ҳисобига фаолиятини янада кенгайтирди. Натижада корхона ўтган йил давомида 8,9 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Ҳозирда корхонанинг арзон ва сифатли



ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозорга етказилди.

Шунингдек, пресс-тур қатнашчилари Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган «Alubond Composite Material» МЧЖ билан ҳам танишишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда юртимизнинг барча гўшаларида кўплаб бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Натижада қурилиш хомашёларига бўлган эҳтиёж йил сайин ортмоқда. Шу боис, қурилиш

маҳсулотлари юртимизнинг бунёдкорлик ишларида кенг фойдаланилмоқда.

Қисқасини айтганда, мазкур пресс-тур давомида журналистлар «Агробанк» АТБ томонидан аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва улارнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда банкнинг юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётганини амалдаги исботига гувоҳ бўлишди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

“АСАКА” БАНҚДАН КЕНГ ҚУЛАЙЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 сентябрда «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз ҳудудларида банкоматлар, тўлов терминаллари ўрнатилмоқда. Бу борада «Асака» акциядорлик тижорат банки томонидан ҳам аҳолига қулайликлар яратиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Асака» банкининг пластик карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда банкнинг масъул ходимлари ва раҳбарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Банк бошқаруви раисининг ўринбосари Бобоҳон Абдуллаев анжумани очар экан, банк фаолиятида мижозлар билан ўрнатилган янги қўрилишдаги муносабатлар, жумладан, масофавий алоқалар иш жараёнида ҳам, фуқаролар билан



ишлашда ҳам енгилликлар туғдираётганини таъкидлади. «Асака» банкининг бошқарма бошлиғи Бехзод Абдурахмонов банкнинг пластик карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги қулайликлар, келгусида бу йўналишда яратиладиган янгиликлар ҳақида сўзлади.

Мамлакатимизда «Асака» банкининг 27 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Шу кунга қадар 70 та банкомат ва 98 та инфокиоскалар ишляпти. Тошкент шаҳар ҳудудида «Хумо» миллий тўлов тизимига мансуб 1 550 та тўлов терминаллари ўрнатилди. Бу тўлов тизимини вилоятларда ҳам кенг тарқатиш режаси ишлаб чиқилмоқда.

Банк мижозларига масофавий хизматлар кўрсатиш мақсадида «Asaka mobile» иловаси ишлаб чиқилган эди. Ушбу илова орқали картадан картага пул ўтказиш, онлайн омонат очиш, онлайн конверсия амалиётини ўтказиш, кредитларни сўндириш ва бошқа хизматлар жорий қилинган. Яқинда «Asaka mobile» иловасига «Оилавий карталар»ни бошқариш янги хизмат тури ҳам жорий этилиб, бу орқали мижозлар оила аъзоларига қўшимча карталар олиши ва ўз ҳисобрақамидан ўзи белгилаган лимит доирасида амалиётлар бажариши мумкин бўлди.

Туристларга тўловларда қулайликлар яратиш борасида ҳам «Асака» банки биринчилар қаторида «MasterCard», «UnionPay» ва



«UzCard» тўлов тизимларининг карталарини бир банкомат ёки терминалда хизмат кўрсатиш амалиётини жорий қилган. Шу йилнинг май ойидан бошлаб банкоматлар «Хумо» миллий тўлов тизимининг карталарига ҳам хизмат кўрсатишни бошлайди.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

“Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2018 йил 27 январдаги 81-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100052, Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 5-уй.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЛЛИК ЙИҒМА ҲИСОБОТ

2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

| АКТИВЛАР | 2018 йил 31 декабрь | 2017 йил 31 декабрь |
|--|----------------------|----------------------|
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 1 049 706 319 | 1 490 636 883 |
| Бошқа банклардаги маблағлар | 188 808 522 | 407 410 227 |
| Мижозларга кредит ва бўнақлар | 2 322 499 561 | 1 973 020 698 |
| Молиявий активлар, бошқа умумий даромад орқали адолатли қиймат бўйича баҳоланадиганлари | 156 230 693 | Татбиқ қилинмаган |
| Сотиш учун мавжуд бўлган инвестицион қимматли қозғалар | Татбиқ қилинмаган | 2 892 442 |
| Фойда солиғи бўйича олдиндан тўлов | 3 254 670 | 2 711 631 |
| Муддатли узайтирилган солиқ активлар | 4 200 524 | 8 691 687 |
| Асосий воситалар ва номоддий активлар | 147 757 471 | 104 624 031 |
| Бошқа активлар | 7 745 705 | 7 188 023 |
| Жами активлар | 3 878 203 465 | 3 997 175 622 |
| Мажбуриятлар | | |
| Бошқа банкларнинг маблағлари | 266 203 907 | 410 057 359 |
| Бошқа қарз маблағлар | 576 539 388 | 845 116 278 |
| Мижозларнинг маблағлари | 2 395 964 714 | 2 293 961 078 |
| Бошқа мажбуриятлар | 9 540 371 | 6 633 279 |
| Жами мажбуриятлар | 3 248 248 380 | 3 555 767 994 |
| Сармоя | | |
| Устав капитали | 402 576 168 | 170 514 188 |
| Эмиссион даромад | 2 105 273 | 2 105 273 |
| Тақсимланмаган фойда | 221 199 044 | 268 788 167 |
| Бошқа умумий даромад орқали адолатли қиймат бўйича қайта баҳоланадиган молиявий активларни қайта баҳолаш бўйича захира | 4 074 600 | Татбиқ қилинмаган |
| ЖАМИ КАПИТАЛ | 629 955 085 | 441 407 628 |
| ЖАМИ МАЖБУРИЯТ ВА КАПИТАЛ | 3 878 203 465 | 3 997 175 622 |

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

| | 2018 йил | 2017 йил |
|--|--------------------|--------------------|
| Фоишли даромад | 277 934 217 | 169 556 957 |
| Фоишли харажат | (74 552 392) | (36 646 374) |
| Соф фоишли даромад | 203 381 825 | 132 910 583 |
| Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира | (19 336 994) | (23 548 566) |
| Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захирасидан кейинги соф фоиш даромади | 184 044 831 | 109 362 017 |
| Восита-чилик даромадлари | 144 065 072 | 141 354 935 |
| Восита-чилик харажатлари | (27 603 380) | (20 235 071) |
| Хорижий валюталарни қайта баҳолашдан тушган соф даромад / зарар | (1 058 479) | 145 627 761 |
| Хорижий валютадаги операциялар бўйича соф даромадлар | 9 102 449 | 4 737 982 |
| СВОП операциялари бўйича соф даромадлар | 2 738 813 | 990 373 |
| Бошқа операциялар даромадлари | 4 512 385 | 1 798 186 |
| Молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича тиклаш захираси | 623 671 | - |
| Маъмурий ва бошқа операциялар харажатлар | (109 590 061) | (78 519 043) |
| Даромад солиғи тўлашидан олдинги фойда | 206 834 321 | 305 117 120 |
| Фойда солиғи бўйича харажатлар | (46 144 011) | (43 834 815) |
| Ҳисобот даври учун йиллик фойда | 160 690 310 | 261 282 305 |
| Фойда ва зарар таркибида қайта таснифланмайдиган моддалар: | | |
| Бошқа умумий даромад орқали адолатли қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий активлардаги адолатли қийматнинг ўзгаришидан олинган фойда | 1 508 907 | - |
| Фойда ва зарар таркибида қайта таснифланмайдиган моддалар бўйича даромад солиғи | (230 094) | - |
| ЖАМИ УМУМИЙ ЙИЛЛИК ДАРОМАД | 161 969 123 | 261 282 305 |
| Ҳар бир оддий акцияга тўғри келадиган базавий ва умумий фойда | 573 | 2 264 |

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ
2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

| | Устав капитали | Эмиссион капитал | Тақсимланмаган фойда | Бошқа умумий даромад орқали адолатли қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий активларни қайта баҳолаш захираси | Жами |
|--|----------------|------------------|----------------------|---|-------------|
| 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ | 109 297 039 | 2 105 273 | 68 723 011 | - | 180 125 323 |
| Жами умумий даромад | - | - | 261 282 305 | - | 261 282 305 |
| Тақсимланмаган фойданинг капитализацияси | 61 217 149 | - | (61 217 149) | - | - |
| 2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ | 170 514 188 | 2 105 273 | 268 788 167 | - | 441 407 628 |
| 9-сон МҲХС қўлланишидан қўрилган таъсир | - | - | 23 782 547 | 2 795 787 | 26 578 334 |
| 9-сон МҲХС га мувофиқ қайта ҳисобланган илқ қолдиқ | 170 514 188 | 2 105 273 | 292 570 714 | 2 795 787 | 467 985 962 |
| Жами умумий даромад | - | - | 160 690 310 | 1 278 813 | 161 969 123 |
| Тақсимланмаган фойда капитализацияси | 232 061 980 | - | (232 061 980) | - | - |
| 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ | 402 576 168 | 2 105 273 | 221 199 044 | 4 074 600 | 629 955 085 |

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Deloitte and touche» аудиторлик ташкилоти МЧЖ (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 00776-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2018 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бер.

Хизматлар лицензияланган.

Эрон "Содерот" банкининг Тошкент шаҳридаги шўъба банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзМБнинг 2017 йил 21 октябрдаги 70-рақамли лицензияси
Юридик манзил: 100021, Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 2-уй

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ 2018 йилнинг 31 декабрь ҳолатига (минг сўмда)

| Моддалар | 2018 йил 31 декабрь | 2017 йил 31 декабрь |
|---|------------------------|------------------------|
| АКТИВЛАР | | |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 47 203 907 | 63 682 636 |
| Кредит муассасаларидаги маблағлар | 266 360 078 | 238 981 944 |
| Қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар | 40 000 | - |
| Мижозларга кредит ва бўнақлар | 3 120 887 | 706 597 |
| Манфий: Эҳтимолий зарарлар буйича захиралар (245 190) | (245 190) | (4 035) |
| Мижозларга соф кредитлар ва бўнақлар | 2 875 697 | 702 562 |
| Тобе ҳужалик жамиятларига инвестициялар | - | 40 000 |
| Ассосий воситалар (соф баланс қиймати буйича) | 427 589 | 378 718 |
| Номоддий активлар (соф баланс қиймати буйича) | 21 850 | 30 230 |
| Бошқа хусусий мулк | - | - |
| Солиқ талаблари | 47 989 | 117 241 |
| Бошқа активлар | 13 600 | 9 835 |
| ЖАМИ АКТИВЛАР | 316 990 710 | 303 943 166 |
| МАЖБУРИЯТЛАР | | |
| МИЖОЗЛАР МАБЛАҒЛАРИ | 22 929 909 | 22 609 532 |
| Марказий банкка тўланмиш лозим бўлган маблағлар | - | - |
| БОШҚА БАНКЛАР МАБЛАҒЛАРИ | 11 860 686 | 8 825 800 |
| Солиқ мажбуриятлари | 8 234 | 52 061 |
| Бошқа мажбуриятлар | 39 398 | 25 195 |
| Жами мажбуриятлар | 34 838 227 | 31 512 588 |
| ХУСУСИЙ САРМОЯ | | |
| Устав капитали | 64 134 977 | 64 134 977 |
| Қўшилган капитал | - | - |
| Захира капитал ва жамғармалар | 205 952 322 | 198 928 963 |
| Тақсимланмаган фойда | 12 065 184 | 9 366 638 |
| Жами хусусий сармоя | 282 152 483 | 272 430 578 |
| ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ САРМОЯ | 316 990 710 | 303 943 166 |

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолатига (минг сўмда)

| Моддалар | за 2018 год | за 2017 год |
|--|-------------|-------------|
| Фоиз даромадлари | 7 507 133 | 5 093 488 |
| Фоиз харажатлари | (107 893) | (61 519) |
| Соф фоизли даромадлар | 7 399 240 | 5 031 969 |
| Кредитлар қадрсизланиши буйича захиралар | (287 506) | (2 423) |
| Кредитлар қадрсизланиши буйича захира шакллантирилганидан кейинги соф фоизли даромад | 7 111 734 | 5 029 546 |
| Воситачилик даромадлари | 340 780 | 276 963 |
| Воситачилик харажатлари | (72 740) | (44 905) |
| Валюта операцияларидан олинган соф фойда / (зарар) | (78 247) | 7 812 215 |
| Бошқа фоизсиз даромадлар | 149 641 | 43 326 |
| Бошқа фоизсиз харажатлар | - | - |
| Операцион харажатларга қадар соф фойда | 7 451 168 | 13 117 145 |
| Операцион харажатлар | (3 604 471) | (2 758 712) |
| Фойда солиғи ундирилгунгача фойда | 3 846 453 | 10 358 433 |
| Эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш | (244) | (1 288) |
| Фойда солиғига қадар соф фойда | 3 846 453 | 10 357 145 |
| Фойда солиғи буйича харажатлар | (865 493) | (891 955) |
| Йиллик соф фойда | 2 980 960 | 9 465 190 |
| Бошқа умумий даромад / (харажат) | - | - |
| Узоқ муддатли активларни қайта баҳолашдан олинган фойда | - | - |
| Солиқнинг фойдага таъсири | - | - |
| Жами умумий йиллик даромад | 2 980 960 | 9 465 190 |
| Ҳар бир акцияга тўғри келадиган базавий фойда (сўмда) | - | - |

САРМОЯДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ЙИҒМА ҲИСОБОТ, 2018 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА (минг сўмда)

| Моддалар | Устав капитали | Қўшилган капитал | Захира капитали ва жамғармалар | Тақсимланмаган фойда | Жами капиталдаги ўзгаришлар |
|--|----------------|------------------|--------------------------------|----------------------|-----------------------------|
| 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ | 47 995 757 | 48 948 643 | 2 376 293 | 4 145 464 | 103 466 157 |
| Акциялар эмиссиялашуви | 16 139 220 | - | - | - | 16 139 220 |
| Капиталлаштирилган дивидендлар | - | - | - | - | - |
| Тўланган дивидендлар | - | - | - | (3 155 583) | (3 155 583) |
| Умумий мақсаддаги захира жамғармаси | - | - | 461 131 | (461 131) | - |
| Имтиёзли капитал жамғармаси | - | - | 384275 | (384275) | - |
| Қўшилган капитал | - | 146 758 620 | - | - | 146 758 620 |
| Меъёрий активлар буйича захиралар | - | - | - | - | - |
| 2016 ҳисобот йили натижаси буйича банк ходимларига берилган мукофот пули | - | - | - | (242 958) | (242 958) |
| Ҳисобот давридаги умумий даромад | - | - | - | 9 465 190 | 9 465 190 |
| Бошқа тузатишлар | - | - | - | (69) | (69) |
| 2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ | 64 134 977 | 195 707 263 | 3 221 699 | 9 366 638 | 272 430 577 |
| Акциялар эмиссиялашуви | - | - | - | - | - |
| Капиталлаштирилган дивидендлар | - | - | (5 000) | - | (5 000) |
| Тўланган дивидендлар | - | - | - | - | - |
| Умумий мақсаддаги захира жамғармаси | - | - | - | - | - |
| Қўшилган капитал | - | 7 023 360 | - | - | 7 023 360 |
| Имтиёзли капитал жамғармаси | - | - | - | - | - |
| Меъёрий активлар буйича захиралар | - | - | 5 000 | - | 5 000 |
| 2017 ҳисобот йили натижаси буйича банк ходимларига берилган мукофот пули | - | - | - | (459 031) | (459 031) |
| Ҳисобот давридаги умумий даромад | - | - | - | 2 980 960 | 2 980 960 |
| Бошқа тузатишлар | - | - | - | 176 617 | 176 617 |
| 2018 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ | 64 134 977 | 202 730 623 | 3 221 699 | 12 065 184 | 282 152 483 |

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30 январьдаги АФ 00531-серияли лицензияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2011 йил 19 августдаги 14- рақамли сертификатига эга) "PFG MAK ALYANS" МЧЖ аудиторлик ташиқоти томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари буйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2017 йилнинг 31 декабрь ҳолати буйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор. Хизматлар лицензияланган.

Реклама



АТБ «InfinitBANK» корпоратив мижозларига ўз лойиҳаларини халқаро молиявий институтларнинг турли кредит линиялари ҳисобига молиялаштириш хизматидан фойдаланишни таклиф қилади.

Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислам корпорациясининг кредит линияси

| | |
|------------------------|---------------------------------|
| Кредит қиймати | 3 млн. АҚШ долларигача |
| Кредит муддати | 4 йилгача |
| Кредит бўйича ставкаси | йиллик 10% дан |
| Кредит мақсади | импорт ускуналарини харид қилиш |

Тикланиш ва тараққиёт халқаро банкининг кредит линияси

| | |
|------------------------|---|
| Кредит қиймати | 9 млн. АҚШ долларигача |
| Кредит муддати | 15 йилгача |
| Кредит бўйича ставкаси | йиллик 7% дан |
| Кредит мақсади | эскирган ускуналарни самаралироқ ускуналарга алмаштириш |

Commerzbank AG (Германия) кредит линияси

| | |
|------------------------|--------------------------------|
| Кредит қиймати | 1 млн. АҚШ долларигача |
| Кредит муддати | 1 йилгача |
| Кредит бўйича ставкаси | йиллик 10% дан |
| Кредит мақсади | импорт ускуналарни харид қилиш |

LBBW (Германия) кредит линияси

| | |
|------------------------|--------------------------------|
| Кредит қиймати | 1 млн. АҚШ долларигача |
| Кредит муддати | 1 йилгача |
| Кредит бўйича ставкаси | йиллик 10% дан |
| Кредит мақсади | импорт ускуналарни харид қилиш |

Мижоз – бизнинг асосий қадриятимиз!

www.infinbank.com

Алоқа маркази: (+998 71) 202-50-60

100029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани
Т. Шевченко кўчаси, 1 – уй

Хизматлар лицензияланган

Шеърят



Шаҳноза Бердикулова 1975 йили Оққўрғон туманида тугилган. 2009 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини тугаллаган. Айни дамда Оққўрғон туманидаги 38-мактабда ўқувчиларга мусиқа ва ашула дарсидан сабоқ бериб келмоқда.

Ҳарбий дадам ёди

Менинг ҳарбий дадам, меҳрибон дадам, Доим юрар эди кўксини кериб, Буюртма берсак биз, ҳазиллашиб у, "Хўп бўлади" дерди дарров "честь" бериб.

Билиш мумкин эди ҳарбийлигини, Унинг қатъиятли сўзларидан ҳам. Билиш мумкин эди ҳарбийлигини, Журъатга йўғрилган кўзларидан ҳам.

Ватанга садоқат билан яшади, Ярашга интилди элнинг корига. Ҳалолу-покиза ошин ошади, Доим шукр қилди йўғу-борига.

Содиқ эди доим қасамёдига, Менинг шоним деди, юртнинг шонини. Севиб ардоқлади ҳар нафас, ҳар он, Ўсиб камол топган Оққўрғонини.



Яшагим келади аскарга ўхшаб, Жўш урар танамда дадамнинг қони. Боладай опичлаб, бутун дунёга, Кўз-кўз қилгим келар Ўзбекистонни!

Ишга кетар бўлсам хархаша қилиб, Буюртмалар берса агар неварам. Худди дадам каби "честь" бериб дарров, "Хўп бўлади" дегим келар менинг ҳам.

Йиллар ўтди қувиб йилларни, Болалик, ёшлик... Чарх айланаверди. Бироқ дадам ёди кўз қорачиқда, Йиллар оша қалбга чуқур қадалди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлэмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта — пайшанба кuni чиқади.

Буюртма № г 503
Адади 1951 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 08.05.2019 й.,
1 2 3 4 5 6

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати
Тел: 99897 776 60 18
71 232 45 32
Факс: 71 232 43 98
Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎЗА

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз
@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи "Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ Газета тахририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.